

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МУҚУМОВА ДИЛРАБО ИНАТОВНА

13.00.05 – Касб–ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Pedagogical Sciences**

Мукумова Дилрабо Инатовна

Талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-
шароитларини такомиллаштириш.....

Мукумова Дилрабо Инатовна

Совершенствование организационно-педагогических условий адаптации
студентов к учебному процессу.....

Mukumova Dilrabo Inatovna

Improvement of organizational pedagogical conditions for adaptation of students
to teaching process.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

МУҚУМОВА ДИЛРАБО ИНАТОВНА

**ТАЛАБАЛАРНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА МОСЛАШИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(“Касб таълими” йўналишлари мисолида)**

13.00.05 – Касб–хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2. (PhD)/ Ped158 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипова Дилара Джуманиязовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Турақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор тумани, Зиё кўчаси 76-уй. Тел: (99871)246 92 17, факс (99871)246-90-37, e-mail: moqt@markaz.uz).

Диссертация билан Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17, факс (99871) 246-90-37).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _____ куни тарқатилди
(2018 йил _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д, профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

А.Р.Ходжабоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида таълим олувчиларнинг ўқув жараёнига мослашишининг педагогик-психологик шарт-шароитлари ва имкониятларига оид тадқиқотлар олиб боровчи Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария), University of Bridgeport (Чикаго), University of Warwick (Лондон) ва Edith Cowan University (Амстердам) каби нуфузли олий таълим муассасалари ва марказларида бир қанча амалий натижаларга эришилган. Аммо талабаларнинг ўқув жараёнига мослашувчанлик хусусиятлари ва қийинчиликларни (challenges) ўрганувчи ҳамда касбий мобиллигини таъминловчи яхлит таълим тизимини яратиш долзарблигича қолмоқда. Хусусан, бўлажак мутахассис кадрларнинг олий таълим муассасалари ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий, методик ва педагогик шарт-шароитларни тадқиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Халқаро педагогик тажрибаларга кўра, бўлажак муҳандис-педагогларнинг олий таълим муассасалари ўқув жараёни шароитларига мослашиши касбий шаклланишни ҳаққоний ва объектив баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади. Бу, биринчидан, жамиятдаги муҳим ижтимоий ўзгаришлар ва янгиланишлар, таълим тизимидаги ислохотларни қамраб олади, иккинчидан, талабаларнинг олий таълим муассасаси ўқув-тарбия жараёнига мослашиши ва ташкилий педагогик шарт-шароитларини ривожлантириши асосида таълим мазмуни ва самарадорлигини ошириш орқали замон талабларига мос рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга замин яратади. Шу нуқтаи назардан талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишида ташкилий педагогик шарт-шароитларни замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши борасида таълим мазмунига ҳам изчил равишда ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ ҳамда “таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш”² каби устувор вазифалари белгиланган. Шу нуқтаи назардан, талабаларнинг ўқув жараёнига мослашиши уларнинг ўқув фаолияти давомида самарали натижаларга эришиши ва ижтимоий фаоллашишида амалдаги педагогик шарт-шароитлар ва мавжуд методикаларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

² Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2017. – 24-б.

“Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3003-сонли “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилиқ тарихи ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини бошқариш бўйича таълимни ташкил этишнинг назарий-методологик, ташкилий-педагогик концептуал асослари Ш.Э.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, М.Юлдашевлар ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Касб-ҳунар таълими назарияси ва амалиёти ҳамда олий таълим муассасалари ўқув жараёнига талабалар шахсининг касбий мослашуви муаммолари бўйича М.Г.Давлетшин, У.Н.Нишоналиев, Р.Ҳ.Жўраев, Н.А.Муслимов, З.К.Исмоилова, Л.Р.Мўминова, З.Х.Мадрахимова, Д.Д.Шарипова, Н.Г.Комилова, А.Р.Ходжабаев, С.Й.Ахмадалиев, Н.Г.Исматовалар ва Г.К.Тулягановалар томонидан ўрганилган.

Замонавий ўқитиш технологиялари назарияси ва амалиёти бўйича Л.В.Голиш, Н.А.Муслимов, У.Нишоналиев, Н.Сайидахмедов, Ў.Қ.Толипов ва Б.Н.Фарберман ҳамда таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари бўйича А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова ва С.С.Ғуломовлар фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Талабаларнинг олий таълим муассасасида таълимга мослашиши муаммоларининг турли ёндашувлари бўйича Л.Н.Боронина, Т.П.Браун, Г.В.Безюлёва, С.В.Васильева, С.М.Вишнякова, Т.Ю.Дорохова, В.А.Кручинин, Э.О.Леонтёва, Е.И. Муратова, Е.А.Осипов, Е.В.Осипчукова, А.В.Панихина, С.А.Рунова, Р.Р.Хусаинова, Т.Е.Чикина, Л.А.Ясюкова ва бошқалар томонидан атрофлича ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда таълим олувчи шахснинг ривожланиши хусусиятлари А.Адлер, А.Бандура, А.Н.Леонтёв, А.Маслоу, К.Роджерс, С.Л.Рубинштейн, R.Dyson, D.Harrison, S.Noare, O.Lopez-Fernandez, A.Morales, C.Palmer ва S.Sippelлар томонидан тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотнинг бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Суғориш сувини тежайдиган технологиялар, гидромелиоратив тизимлардан самарали фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” (2015-2017 йй.) ва Жиззах политехника институтининг ОТ-Ф1-049 “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2021 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

талабаларни олий таълим муассасаси ўқув жараёнига самарали мослашиши бўйича ижтимоий, психологик ва педагогик асослари ҳамда ўқув жараёнига мослашишга тизимли ёндашувнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш ва танқидий таҳлил этиш;

талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини белгилаш ва уларни ривожлантириш усулларини такомиллаштириш;

талабаларда касбий сифатларга асосланган касбий мослашиш жараёнини ташкил этиш методикасини ишлаб чиқиш;

талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқот объекти: “Касб таълими” йўналиши талабаларини ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари: тадқиқот ишида мавзуга оид фалсафий, педагогик, психологик адабиётларни тарихий-қиёсий таҳлил қилиш, ўқув режалар, дастурларни танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик ижтимоий (анкета, сўров-орқали, тест, суҳбат, кузатиш) ва тажриба синов ишларини ўтказиш, натижаларни математик статистик ишлов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инновацион тизимли ёндашув асосида талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ижтимоий, психологик, педагогик ва концептуал асосларини ривожлантириш имкониятлари кенгайтирилган;

“Касб таълими” йўналиши талабаларини ўқитишнинг концептуал, мазмунли-технологик, баҳолаш-аналитик функционал хусусиятлари ҳамда мустақил таълим мазмунини интеграциялаш асосида ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитлари такомиллаштирилган;

инновацион таълим-тарбия шакллари ва методлари асосида талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш модели дифференциал-интегратив методлар асосида ишлаб чиқилган;

касбий сифатларни педагогик ўзаро ихтилофларни бошқариш технологияси касбий ўзини-ўзи англаш, касбий компетентлик, касбий рефлексивлик, касбий хулқ-атвор асосида касбий мослашиш жараёнини ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаси ўқув жараёнига самарали мослашишининг ижтимоий, психологик ва педагогик асослари ҳамда инновацион тизимли ёндашув асосида уларнинг ўқув жараёнига мослашишининг концептуал асосларини ривожлантириш имкониятлари кенгайтириш мақсадида “Касб таълими” бакалавриат йўналишлари талабалари учун “Валеология асослари” фанидан намунавий ўқув дастури ва “Педагогика. Психология”, “Касбий психология”, “Валеология асослари” фанларидан мустақил ишлар ва амалий машғулотларни бажариш бўйича бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган;

олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитишнинг концептуал (conceptual), мазмунли-технологик (meaningful-technological), баҳолаш-аналитик (evaluation and analytical) каби функционал хусусиятлари, ҳамда мустақил таълим мазмунини интеграциялаш асосида ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича “Талабаларнинг ўқув жараёнига мослашиш хусусиятлари” услубий қўлланма, “Олий таълим муассасалари биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига самарали мослашиши” махсус курс Дастури, “Умумкасбий фанлардан изоҳли луғат” ҳамда “Касбий педагогика” фани бўйича электрон ўқув қўлланма дастури, “Касб таълими йўналишлари талабаларининг касбий мослашувининг назарий ва услубий асослари” монография ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами, нашр этилган монографиялар ва улар ҳақидаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоблар интервьюлар, хулоса ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларни олий таълим муассасаси ўқув жараёнига мослашишининг концептуал асослари, мослашишга тизимли ёндашув, ўқув жараёнига мослашувчанлик хусусиятлари мазмунини ёритиш бўйича шаклланиш, ривожланиш, мослашиш ва мослашувчанлик тушунчаларига муаллифлик ёндашувлари, талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш модели, олий таълим муассасалари ўқув жараёнига талабаларни мослашиши асосида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнини ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитлари такомиллаштириш, касбий мослашиш, касбий компетенцияни шакллантириш ва ривожлантириш, талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишида ўқитишда инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш, мослашишда ташкилий педагогик шарт-шароитлар асосида ўқитувчи-мураббий фаолиятини такомиллаштириш технологияси, ўқув фанларини ўқитиш методикаси ва ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларида талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

инновацион тизимли ёндашув асосида талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ижтимоий, психологик, педагогик ва концептуал асосларини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришга оид таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 89-03-2206-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик имкониятларини такомиллаштириш ва дидактик имкониятларини кенгайтириш бўйича педагогик муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади;

“Касб таълими” йўналиши талабаларини ўқитишнинг концептуал (conceptual), мазмунли-технологик (meaningful-technological), баҳолаш-аналитик (evaluation and analytical) функционал хусусиятлари ҳамда мустақил таълим мазмунини интеграциялаш асосида ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 22 январдаги 29-сон буйруғи билан Тошкент ирригация ва мелиорация институти (ТИҚХММИ) бакалавриат йўналишларининг малака талаблари ва “Валеология асослари” фанидан ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 89-03-2206-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фанлар бўйича

билимларини ҳамда касбий мослашишга тизимли ёндашув асосида тақдим этишга хизмат қилади;

педагогик ўзаро ихтилофларни бошқариш технологияси (pedagogical conflict management technology) касбий ўзини-ўзи англаш (professional self-awareness), касбий компетентлик (professional competence), касбий рефлексивлик (professional reflexivity), касбий хулқ-атвор (professional behavior) асосида ишлаб чиқилган касбий мослашиш жараёнини ташкил этиш методикаси орқали талабаларнинг ўқув жараёнига самарали мослашишининг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлари “Талабаларнинг ўқув жараёнига мослашиш хусусиятлари” услубий қўлланмаси, “Олий таълим муассасалари биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига самарали мослашиши” махсус курс дастури, “Умумкасбий фанлардан изоҳли луғат”, “Касб таълими йўналишлари талабаларининг касбий мослашувининг назарий ва услубий асослари” номли монография ишлаб чиқилган ва таълим-тарбия жараёнига жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 89-03-2206-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услубий таъминот олий таълим муассасалари талабаларини ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга ва фанлардан эгалланаётган билим, кўникма ҳамда малакаларни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 12 та Республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 дан ортиқ илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 1 таси хорижий, 4 та МДХ давлатларида ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талабаларни ўқув жараёнига дидактик мослашишининг назарий ва услубий асослари”** номли биринчи бобида талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг концептуал асослари,

талабаларнинг олий таълим муассасасига самарали мослашишининг ижтимоий, психологик ва педагогик асослари, биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига мослашишига тизимли ёндашув масалалари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув жараёнига мослашишига оид илмий-тадқиқот ва услубий ишлар таҳлили ҳамда олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларининг ҳолати, муаммолари, ҳамда хорижий тажрибалар ҳақида маълумотлар ва тавсиялар келтирилган.

Мослашиш тушунчасига ижтимоий ёндашувни талқин этиш, Олий таълим жараёнига талабаларнинг касбий мослашиш ва касбга тайёргарлик ҳолатлари, касбий фаолиятга мослашишнинг шаклланиши масалаларини республикаимиз олимлардан А.Давлетшин, Э.Ғозиев, Й.Ахмадалиев, Н.Исматова Ғ.Шаумаров, Ш.Халилова, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, М.Б.Бекмуродов, И.А.Газизова, Б.Ҳ.Рахимовлар, МДҲ мамлакатлари олимларидан Е.М.Аврамова, Е.А. Александрова, Т.Ащепков, О.А.Абдулина, С.А.Дмитриенко, А.П.Кормилицин, Е.Н.Рябинова, Г.Ф.Токарева, Т.В.Христидис ва бошқалар тадқиқ этиб, улар инсон ижтимоий муҳитга мослашиши ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши билан боғлиқ масалаларни ўрганганлар. Юқорида келтирилган бир қанча олимлар томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда мослашиш - мослашувчанликни яратувчи жараён бўлиб - шахснинг янги муҳитни тез ўзлаштириб олиши ва индивиднинг инстинкт ҳолатини бошқарилиши, интеллект жараёни орқали билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишидир.

ОТМ га касбий мослашув, узоқ муддатли ва мураккаб жараён саналади ва махсус шарт-шароитларни яратишни талаб қилади. Биринчи босқич талабалари билан ишларни ташкил қилишда уларнинг шахсини турли: биологик, психологик, ижтимоий нуқтаи назардан қараш, бунда фанлараро тадқиқот методларига таяниш зарур.

Ижтимоий мослашиш жараёнида биринчи босқич талабаси “ўқитувчи - талаба”, “талаба – талаба”, “талаба – гуруҳ”, “маъмурият – талаба” ўзаро таъсири (ҳамкорлиги)да юзага келадиган мураккаб, хатто зиддиятли муносабатларнинг нафақат объекти, балки субъекти, элементи саналади. “Ўқитувчи - талаба” ўзаро таъсири тобора кўрсаткичли бўлиб, айниқса биринчи босқичда талабаларнинг ОТМ таълим муҳитидаги ҳаётий фаолияти мазмунини белгилайди. ОТМ профессор-ўқитувчиларининг биринчи босқич талабалари мослашишдаги роли етакчи ва фавқулодда муҳим, ўқитувчилар мазкур жараёнга ҳам ўқув фанларини ўрганиш, ҳам талабалар билан ўқишдан ташқари ишлар доирасида жалб қилинади. Бу йўналишда академик гуруҳ мураббийларининг ўрни жуда муҳим.

Талабаларнинг ОТМ га мослашиши бўйича тадқиқотлар таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имкон беради:

- ўқитувчилар ва юқори босқич талабалари биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига мослашишида таълим жараёнининг ҳам объекти, ҳам субъектлари саналади;

- талаба билан ОТМ ижтимоий-маданий муҳитининг ўзаро таъсири (ҳамкорлиги) типологияси биринчи босқич талабаларини мослаштириш бўйича иш йўналишларини режалаштириш асосини ташкил қилиши лозим;

- талабаларнинг дезадаптация (мослашишга қийналиш) аломатларини аниқлаш бўйича мақсадли ишлар олиб бориш, келгусида улар билан алоҳида ишлар ташкил қилиш зарур;

- ҳар бир талаба шахсинининг ташқи таъсирга мослашишининг илк даражаларини ўрганиш, биринчи босқич талабаларини табақалаштириш (ажратиш) асосида босқичли мослашиш жараёнини ишлаб чиқиш ва тегишли тадбирларни ташкил қилиш керак;

- талабаларнинг қадриятли йўналганликларини ўзгартириш мослаштириш бўйича ишлар мониторингининг йўналишларидан бирини ташкил қилиши лозим;

- биринчи босқич талабалари томонидан имкон қадар кўп ижтимоий ролларнинг ўзлаштирилишига қаратилган тадбирларни амалга ошириш, ўзлаштириш жараёнида талабалар ўзини-ўзи бошқариш органи фаолигини таъминлаш талаб қилинади.


Талабаларни олий таълим муассасаси ўқув жараёнига самарали мослашишининг ижтимоий, психологик ва педагогик асослари ҳамда инновацион тизимли ёндашув асосида уларнинг ўқув жараёнига мослашишининг концептуал асосларини ривожлантириш имкониятлари асосланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг педагогик ва методик имкониятлари”** деб номланган бўлиб, унда талабаларнинг ўқув жараёнига мослашиши моҳияти, талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш модели, касбий ўзини ўзи англаш, касбий компетентлик, касбий рефлексивлик, касбий хулқ-атвор каби касбий сифатларни педагогик ўзаро ихтилофларни бошқариш технологияси асосида касбий мослашиш жараёнини ташкил этиш методикаси, ўқитувчи-мураббий фаолиятини такомиллаштириш технологияси каби масалалар ҳақида фикр юритилган.

“Касб таълими” бакалавриат йўналишлари талабалари учун “Тарбиявий иш методикаси” фанидан “Талаба ўз-ўзини англашида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида педагогик фаолиятда келиб чиқадиган педагогик низолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш чоралари” мавзусини ўзаро ихтилофларни бошқариш технологияси асосида такомиллаштирилган методикаси ишлаб чиқилди. Дарсда касбий сифатларга оид ўз ўзини англаш, компетентлик, рефлексивлик даражаси ҳамда касбий хулқ-атвор кўникмасини шакллантириш асосида касбий мослашиш жараёнига ихтилофларни бошқариш технологиясини қўллашга асосланган дарснинг технологик модели ва харитаси ишлаб чиқилди. Натижада талабалар “Тарбиявий иш методикаси” фанидан ўз-ўзини англаш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида келиб чиқадиган педагогик ихтилофлар ва уларни

бартараф этиш чоралари ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантирдилар ва педагогик ихтилоф (низоларнинг моҳияти ва мазмуни ҳамда турлари, келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш чораларини билган ҳолда ўқув жараёнига мослашиш кўникмалари шакллантирилди.

Техника олий таълим муассасаларида ўқитиш давом этиши учун таълим, ижтимоий-психологик ва касбий мослашув муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда ўрганилаётган барча муҳим муаммоларни қамраб олади. Биз ушбу муаммоларни талабаларнинг техника олий таълим муассасаларида касбий таълимга мослаш жараёнининг моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўришимиз мумкин Демак, бир қатор тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, биз томонимиздан ОТМ талабаларининг ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расм). Бу моделда, ўқув жараёнининг дастлабки босқичида талабалардаги ижтимоий психологик ҳолатлар, педагогик-психологик хусусиятлар, интенсив (жадал) билиш ва ижтимоий маданий фаолият, мослашиш жараёнлар билан янги турмуш тарзига бўлган қарама қаршилиқлар, шунингдек, педагогик ва психологик шароитларнинг фаоллашувини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, унда касбий фаолият соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, мутахассиснинг маълум сифатларини ўқув жараёнига мослашишини тавсифловчи ҳамда мустақил билим олиши ва ўз-ўзини ривожлантириш натижалари акс эттирилган.



1-расм. Талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш модели

Модель тузилишидан келиб чиққан ҳолда, дастлаб талабаларнинг олий таълим муассасаси ўқув жараёнига мослашиши мазмунини ташкилий-педагогик шарт-шароитлар асосида такомиллаштириш бўйича мақсади, назарий асослари (*ёндашувлар, тамойиллар*), талабалар билан ишлаш мазмуни; инновацион таълим-тарбия шакллари ва методлари, ўқув жараёнига мослашиш учун ташкилий педагогик шарт-шароитлар, мослашиш кўрсаткичлари, мослашиш даражаларини ошириш мезонлари ва мослашиш даражасининг кўрсаткичлари (*юқори, ўрта, паст*)ни амалга оширишнинг ташкилий томонлари ҳам ёритилган.

Ҳар уч мослашиш тури мураккаб иерархияга ва ўқитишнинг турли босқичларида ўзаро таъсирининг ноёб динамикасига эга бўлиб, натижада улар мослашиш муҳитининг (“олий таълим” педагогик тизими) ва мослашувчан элементнинг (талабаларнинг) ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган ягона мослашиш жараёнига қўшилиб, талабалар учун мослашувчан эҳтиёж яратади. Талабаларнинг мослашиш омилларини назарий ва қўшимча эмпирик тадқиқотлар ҳар бир мослашиш турининг самарадорлиги учун ташкилий-педагогик шарт-шароитларни ажратишга имкон берди

- компьютер ахборот муҳитининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг билиш мотивацияси ва таълим фаолиятини шакллантириш (таълим ва когнитив фаолиятга мослашиш);

- ижобий ижтимоий-психологик муҳитга эга бўлган талабалар жамоасини шакллантириш; психологик қулайликлар, талабаларнинг ўзларини маънавий қониқтириш ва олий таълим муассасасида ўқитиш (ижтимоий-психологик мослашиш);

- ўзаро педагогик ихтилофлар технологияси асосида касбий малакага (касбий мослашув) барқарор йўналтирилганликни шакллантириш.

Талабаларни мослаштириш жараёнининг босқичлари ўзаро педагогик ихтилофлар технологияси асосида ҳар бир босқичда мослаштиришнинг алоҳида турларининг устунлик қийматини ҳисобга олган ҳолда аниқланди:

I босқич (I семестр) - дидактик - ижтимоий-психологик ва касбий мослашиш муаммоларини ҳал қилишда асосий эътибор когнитив мотивацияни шакллантиришга ва таълим ва когнитив фаолиятга мослашишга қаратилади;

II босқич (II семестр) - ижтимоий - психологик - ижтимоий мослашув муаммоларига бағишланади ва касбий мослашувнинг ўрни ва таълимга мослашувига эътиборни сақлаб қолиш;

III босқич (III ва кейинги семестрлар) - касбий йўналтирилган –касбий мослашув биринчи ўринга олиб келади. Биринчи семестрдан бошлаб, таълим ва ижтимоий-психологик мослашувда профессионал жиҳати аста-секин пайдо бўлиб, бошқаларга бўйсунди.

Ўқув жараёнида касбий фаолиятга оид мослашувчанлик даражасининг аниқлашда биринчи босқич талабалари умумтаълим фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда касбий (махсус) фанларни ҳам ўзлаштиришга қаратилган

муаммолари ўрганилиб, касбий фаолиятнинг қадриятларини англаш, назарий ва амалий машғулотларга кириш, касбий фаолиятга қизиқиш ва эҳтиёжи, касбий компетентлиги, касбий хулқ атвори, касбий рефлексия, карера ўсишига йўналтирилганликка асосланган ўқув жараёнида касбий фаолиятга оид мослашувчанлик даражасининг мезонлар тавсифномаси ишлаб чиқилди (1-жадвал).

1 жадвал

Ўқув жараёнида касбий фаолиятга оид мослашувчанлик даражасининг мезонлари тавсифномаси

Мослашиш компонентлари	Мезонлар	Ташхис методлари
<i>Касбга йўналтирилганлик</i>	<ul style="list-style-type: none"> - Касбий фаолиятнинг қадриятини англаш - Назарий ва амалий машғулотларга киришимлилиқ - Касбий фаолиятга қизиқиши ва эҳтиёжи - Касбнинг аҳамиятини тан олиш - Ўз ўзини адекват баҳолаш - Карьера ўсишига йўналтирилганлиги 	<ul style="list-style-type: none"> • Кузатув • Сухбат • Ўз ўзини баҳолаш • Иншо • Савол жавоб • Тест ўтказиш
<i>Касбий компетентлиги</i>	<ul style="list-style-type: none"> - Маълумотларга эғалиқ - Ҳуқуқий меъёрий ҳужатлар тўғрисида билимга эғалиги - Манбалар тўғрисида маълумотга эғалиги - Замонавий технологиялардан фойдалана олиши - Коммуникатив компетентлиги 	<ul style="list-style-type: none"> • Синовлар ва машғулотлар жавоблари тахлили • Амалий ва диплом ишлари, ҳамда назорат ишларининг тахлили • Касбий малакаларга эғалиги • Ўз ўзини баҳолаш
<i>Касбий хулқ атвор</i>	<ul style="list-style-type: none"> - Коммуникатив ва ташкилотчилик кўникмаларига эға бўлиш - Касбий фаолият жараёнида ижобий эмоционал ҳолатга эға бўлиш - Турли масалаларни ҳал этиш жараёнида иродавий кучларнинг кўриниши - Интизомлилиқ - Ташкилотчилик - Масъулиятлиқ - Харакатчанлик 	<p>Кузатиш</p> <p>Фаолиятнинг жараёнини ва натижаларини тахлил қилиш</p> <p>Эксперт баҳолаш</p> <p>Ўз ўзига оид ҳисобот бериш</p> <p>Тестлар ўтказиш</p>
Касбий рефлексия	<ul style="list-style-type: none"> - Ўз фаолият мотивларини англаш Фаолият натижаларини баҳолаш - Касбий қобилиятларни баҳолаш - Шахсий-касбий фазилатларни юксалиш даражасини тахлил этиш - Тафаккурнинг танқидий ёндашуви - Прогностик қобилияти 	<ul style="list-style-type: none"> • Анкета сўров • Тест ўтказиш • Ўз ўзи ҳисобот бериш • Автобиография методи

Диссертациянинг учинчи боби “ОТМ талабаларининг ўқув жараёнига мослашишининг йўналтирилган педагогик тизим самарадорлиги” деб номланиб, унда талабаларнинг тадқиқот орқали дидактик, психологик, ижтимоий мослашуви, шу билан бир қаторда миллий ўзлигини англаш, кадриятларни устувор муаммо сифатида қараш ва касбий мослашувчанликнинг тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга, талабаларнинг ўқув жараёнига ижтимоий мослашишида миллий ўзликни англаш омилларининг кўрсаткичлари, талабаларнинг ўқув жараёнига муваффақиятли мослашувининг педагогик шарт-шароитлари, талабаларнинг ўқув жараёнига самарали дидактик мослашиши бўйича тажриба-синов ишлари ёритиб берилган.

Тадқиқот ишлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қарши давлат университетларининг “Касб таълими” йўналиши ва бошқа йўналишларнинг 2016 йил сентябрдан 2018 йил майгача бўлган даврда 232 нафар биринчи босқич талабалари билан анкета сўров, тажриба-синов ишлар асосида олинган.

Биринчи босқич талабалари билан психологик-педагогик ишларни олиб бориш натижасида, яъни биз ишлаб чиққан махсус курснинг дастури асосида олиб бориш ва керакли тавсиялар бериш жараёнида кўпчилик талабалар мослашиш қийинчиликларини англаб олиши ва ҳар бир талаба ўз муаммоларини ҳал қилишда индивидуал ёндоша билиши аниқланган.

Тажриба-синов ишлари биринчи босқич талабалари билан назорат ва тажриба-синов гуруҳларида талабалар мослашишининг педагогик шарт-шароитлари: талабаларда ўқув жараёнига мослашишни шакллантирувчи психологик-педагогик ёрдамни ташкил қилиш (махсус курснинг дастурини татбиқ этиш), талабалар ва раҳбариятнинг ҳамкорлигини ташкил этиш, гуруҳда мураббийлар ёрдамида тарбиявий муҳитни яратиш, талаба шахсини ҳурмат қилиш, гуруҳдаги низоли вазиятларни ўз вақтида бартараф қилиш, талабалар турар жойларида маънавий муҳитни ташкил қилиш.

Назорат гуруҳини Пирсон χ^2 (хи-квадрат) мезонига асосланган тажриба гуруҳларнинг ҳар бирига солиштирганда қуйидаги натижаларга эришдик:


$T_{\text{кузат.}}(1-ТГ, НГ) = 2,12$; $T_{\text{кузат.}}(2-ТГ, НГ) = 0,39$; $T_{\text{кузат.}}(3-ТГ, НГ) = 3,06$; $T_{\text{кузат.}}(4-ТГ, НГ) = 7,08$; $T_{\text{танк.}} = 6,64$. Шундай қилиб олинган натижаларга асосланиб 4-тажриба (4-ТГ) гуруҳида назорат (НГ) гуруҳига нисбатан фарқни кузатишимиз $T_{\text{кузат.}} > T_{\text{танк.}}$. 2-тажриба гуруҳи (2-ТГ) ла сезиларли фарқ кузатилмади ($T_{\text{кузат.}} \ll T_{\text{танк.}}$). 1-ТГ ва 3-ТГ гуруҳлари ҳам назорат гуруҳи (НГ) дан сезиларли даражада кам фарқ қилади ($T_{\text{кузат.}} < T_{\text{танк.}}$).

Тажриба-синов босқичида олиб борилган кузатув натижаси шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳ талабалари гуруҳ раҳбарларининг кўмаklarини ўқув жараёнига мослашишга таъсирини ижобий ва юқори баҳоладилар, Биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига мослашишини баҳолашга йўналтирилган саволнома таълим олувчилар ўртасида ўқув йилининг охирида ўтказилди (2-жадвал).


Ўқув жараёнига мослашиш даражаларини талабалар томонидан баҳолаш кўрсаткичлари

Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш кўрсаткичлари фоизда (%)					
	Назорат гуруҳ			Тажриба гуруҳ		
	юқори	ўрта	паст	Юқори	ўрта	Паст
ОТМ да ўзаро мулоқот жараёни (дунёқараш)	-	32,5%	67,5%	70,0%	30,0%	-
Ижтимоий фаоллик даражаси	-	65,0%	35,0%	15,0%	70,0%	15,0%
Таълим жараёнидан қониқиш даражаси	10,0%	90,0%	-	33,5%	62,5%	-
Биринчи босқичда ўқитиладиган барча ўқув фанларидан олинган умумий балл	3,0 балл			3,7 балл		

Назорат гуруҳ ва тажриба гуруҳ талаблари орасида олинган саволнома натижаларини таҳлил қилишда биз шуни аниқладикки, талабаларнинг ўқув жараёнидан қониқишни хис қилиш ҳолати ўқув йилининг охирида назорат гуруҳининг 10,0% талабларида – юқори даража, 90,0% талабаларда – ўртача даража; 100% тажриба гуруҳ талабаларида – ўртача даража. Мулоқот доираси назорат гуруҳ талабаларида кенг ва ижтимоий фаоллик даражаси юқори, назорат гуруҳ талабаларига нисбатан. Натижада – ўртача балл, биринчи семестр вақтида тажриба гуруҳ – 3,7 балл, назорат гуруҳ талабалари эса – 2,9 балл (5 баллик тизимда).



2-расм. Назорат гуруҳи талабалари орасида олинган тажриба-синов натижалари



3-расм. Тажриба гуруҳи талабалари орасида олинган тажриба-синов натижалари

Биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига мослашишининг ижобий ва салбий таъсири 3-жадвалда акс эттирилган.

3 – жадвал

Биринчи босқич талабаларининг таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий жараёнларига мослашишига таъсир этувчи омиллар.

Баҳолаш параметрлари	Бошида баҳолашнинг ўртача кўрсаткичлари, балларда (М)		Яқунида баҳолашнинг ўртача кўрсаткичлари, балларда (М)		Ишончлиги Мн/ Мт
	Мн	Мт	Мн	Мт	
<i>Талабалар мослашишига ижобий таъсир этувчи омиллар:</i>					
Ота-оналар кўмаги	2,6	3,1	2,9	3,2	
Таълим берувчилар кўмаги	2,9	2,8	3,1	3,2	
Гуруҳ раҳбарларининг кўмаги	2,3	2,3	2,1	4,0	*
Гуруҳдошларининг кўмаги	3,3	3,6	2,9	3,9	*
Маънавий–маърифий бўлими ва талабалар билан ишлаш, касаба уюшмасининг кўмаги	1,4	1,5	1,8	1,9	
OTM жамоавий ишларига фаол иштироки	3,3	3,5	2,8	3,8	*
<i>Талабаларни мослашишини қийинлаштирадиган – муаммоли омиллар</i>					
Гуруҳдошлари билан	1,7	1,5	1,5	1,1	
Таълим берувчилар билан	2,1	2,5	2,2	2,0	
Саломатлиги билан	2,5	1,9	2,1	1,5	
Махсус фанларни ўзлаштирилмаслиги билан	2,6	2,8	2,5	2,0	*
Касб эгаллашга қўйилган хатоликлар билан	1,9	1,7	1,7	1,5	

Тадқиқотимизнинг ушбу босқичида қўлга киритилган натижалар ва уларни ўрганишга имкон берувчи “Талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишида миллий ўзлигини англашни баҳолаш” бўйича сўровнома ишлаб чиқилди ва уни амалиётга татбиқ этилди. Бу босқичда талабалар ижтимоий-сиёсий мослашишга таъсир кўрсатувчи омилларнинг умумий ўртача кўрсаткичлари тажриба-синов бошида ва тажриба-синов якунида ўртачадан юқори бўлди ($2,51 \pm 0,19$ ва $2,63 \pm 0,28$). Бу эса уларнинг натижалари бир хил даражада бўлса-да, статистик жиҳатдан тажриба-синов якунининг кўрсаткичи қисман юқорироқ эканлигини кўрсатади (фарқлар ишончилиги $t=3,66$ $p \leq 0,001$ нисбатга эга).

Бундан кўринадики, ОТМ талабаларининг ўқув жараёнига мослашишига енгиллаштириш муаммосини амалга оширишда талабаларнинг психологик, ёш ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қоидасига амал қилиш зарурлиги тажрибада исботланди.

ХУЛОСА

Биринчи босқичдаги талабаларини ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган назарий изланишлар ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари қуйидаги хулосалар қилиш имконини беради:

1. “Мослашиш” тушунчаси кенгайтирилган чуқурлаштирилган ҳолда ўрганилди. У олий таълим тизимини модернизациялаш шароитида талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг учта турдаги (психологик, ижтимоий ва педагогик), ҳамда 3 компонентлари мажмуи орқали белгиланади: расмий, умумий ва дидактик. Мослашиш, мослашувчанлик, педагогик шарт-шароитлар каби тушунчалар ёритиб берилди. Мослашиш тушунчаси кенг маънодаги тушунча бўлиб, бу талабаларнинг фаол ҳаракатларига туртки бўлувчи ва унинг самарали натижаси учун шарт-шароитларни яратиш демакдир, ҳамда шахснинг низоларсиз янги муҳитига интеграциялашиб кетишидир.

2. “Касб таълими” бакалавриат йўналишлари талабалари учун “Тарбиявий иш методикаси” фанидан ўз-ўзини англаш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида келиб чиқадиган педагогик ихтилофлар ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ва педагогик ихтилоф (низо)ларнинг моҳияти ва мазмуни ҳамда турлари, келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш чораларини билган ҳолда ўқув жараёнига мослашиш малакаларини шакллантириш мақсадида “Тарбиявий иш методикаси” фанидан “Талаба ўз-ўзини англашида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида педагогик фаолиятда келиб чиқадиган педагогик низолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш чоралари” мавзусини ўзаро *ихтилофларни бошқариш технологияси* асосида такомиллаштирилган методикаси ишлаб чиқилди.

3. Олий таълим муассасаларини модернизация қилиш шароитида ирригация ва мелиорация соҳасидаги биринчи боқич талабаларнинг ўқув жараёнига дидактик ва касбий мослашишининг модели ишлаб чиқилди, у ижтимоий талаб (заказ), мақсад, педагогик шароитлар, мослашиш босқичлари, фаолият турлари ва шакллари, илғор технологияларни қўллаш, мослашиш натижалар ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади. ОТМ лар талабаларининг ўқув жараёнига мослашишда диагностик материаллар ишлаб чиқилди ва мезонлар аниқланди.

4. Мослашишнинг турли кўринишлари: педагогик (гуруҳдаги ўзаро муносабатлар, ўзаро билим, кўникма ва малакалар алмашиш), ижтимоий (ижтимоийлаштириш, кадриятларга асосланган ўзликни англаш), психологик (шахсий ҳаяжон, психоэмоционал руҳий кечинмалар, ақлий зўриқишлар), ҳамда биринчи босқич талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг кўрсаткич (индикатор)лари илмий асосланди.

5. ОТМ талабларининг ўқув жараёнига мослашишнинг ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти, ҳамда талабаларнинг мослашишида ташкилий педагогик шарт-шароитлари аниқланди. Таълимни модернизациялаш жараёнида биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига самарали мослашишини оптималлаштиришни назарда тутувчи педагогик шарт шароитлар илмий асосланди: фаолият мазмуни, шакл, услублари, технологиялар.

6. “Олий таълим муассасалари биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига мослашиши” бўйича махсус курсининг (18 соат) ўқув жараёнига татбиқ этилиши орқали талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг оптималлаштирилишига олиб келиши асосланди

7. Олий таълим тизими ўқув жараёнига мослашишни енгиллаштирувчи омиллар барча тизимдаги комплекс меъёрлар ва талабларининг бир хиллигини тадбиқ этиш орқали амалга оширилади. ОТМ талабаларини ўқув жараёнига мослашишининг шаклланиши учун, талабалар ўзининг фаоллигини ошириш шарти билан ижтимоий-сиёсий мажмуани ташкил этиш лозим.

8. Талабаларни мослаштириш жараёни ўзаро педагогик ихтилофлар технологияси асосида урта босқичда мослаштириш педагогик тажриба-синов ишлари Пирсон χ^2 (хи-квадрат) мезонига асосланган ҳолда назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳининг натижаси юқорилиги ҳамда танланган методика самаралилиги асослаб берилди.

Ушбу диссертация мавуси доирасида олиб борилган тадқиқотлар биринчи босқич талабаларининг олий таълим муассасаларига самарали мослашиши муаммолари барча томонларини ёритиб беришнинг имкони йўқ. Шу боис талабаларнинг ўқув жараёнига самарали мослашишни наарий-методологик, методик ва амалий йўналишларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги **тавсиялар хавола этилди:**

- биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига мослашишни педагогик муаммо сифатида қабул қилиб, ушбу муаммони хал этишда биз

томонимиздан ишлаб чиқилган “Олий таълим муассасалари биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига самарали мослашиши” махсус курс дастури, талабаларни ўқув жараёнига мослашишининг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш модели, педагогик шароитлар ва ўқув жараёнига мослашиш индикаторларини амалиётга жорий этишда ОТМ раҳбарияти, ёшлар иттифоқи, факультетлар ва гуруҳ раҳбарларининг бевосита иштирокини таъминлаш;

- “Устоз-шогирд” тамойилига асосланган ижтимоий ва психологик мослашув орқали, зарурий педагогик усуллар ва воситалар орқали гуруҳ мураббийсининг талабаларнинг ўқув жараёнига самарали мослашишини таъминлашини асослаш;

- таълим ва тарбия жараёнида талабаларнинг янги таълим тизимнинг педагогик шароитлари таъсири остида педагогик стресс, кучли қўрқув, ақлий зўриқишларни енгишларида ОТМ психологининг талабаларга кўмак бериши лозим.

Олиб борилган тадқиқот ишлари ОТМ ўқув жараёнига талабаланинг самарали мослашишини энгиллаштиришга олиб келди. Ушбу йўналишда олиб бориладиган тадқиқот ишлари талабаларнинг мослашишининг методик асослари, кейинчалик турли йўналишлардаги ОТМ муассасаларидаги мослашиш жараёнини энгиллаштиришга ва бўлажак мутахассисларнинг касбий хусусиятларини такомиллаштирилишига ёрдам беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017. Ped.48.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
КАДРОВ, ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

МУҚУМОВА ДИЛРАБО ИНАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ АДАПТАЦИИ СТУДЕНТОВ
К УЧЕБНОМУ ПРОЦЕССУ
(на примере направления “Профессиональное образование”)**

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.(PhD)/Ped158.

Диссертация доктора философии (PhD) по педагогическим наукам выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.vocedu.uz), и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу (www.ziynet.uz.)

Научный руководитель: **Исмаилова Зухра Карабаевна**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шарипова Дилара Джуманиязовна**
доктор педагогических наук, профессор

Туракулов Олим Холбўтаевич
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.48.01 при Институте повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров, инновационного развития системы профессионального образования (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Зиё, д. 76. Тел.: (99871) 246–92–17, факс: (99871) 246-90–37, E-mail: moqt@markaz.uz.)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров, инновационного развития системы профессионального образования (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Зиё, д. 76. Тел.: (99871) 246–90–39; факс: (99871) 246-90–37.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2018 года).

Ш.Э. Курбонов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

С.Ю. Ашурова
Секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

А.Р.Ходжабаев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
научных степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой образовательной системе, в исследованиях, посвященных возможностям и педагогико-психологическим условиям адаптации обучаемых к учебному процессу, проводимые в ведущих высших учебных заведениях и центрах, таких как, Swiss Federal Institute of Technology (Швейцария), University of Bridgeport (Чикаго), University of Warwick (Лондон) и Edith Cowan University (Амстердам), достигнуты определённые практические результаты. Однако, проблема создания целостной образовательной системы, обеспечивающей профессиональную мобильность, а также, изучающая особенности и трудности (challenges) адаптации студентов к учебному процессу, остается актуальной. В частности, считается важным исследование организационных, методических и педагогических условий адаптации будущих кадров специалистов к учебному процессу в высших учебных заведениях.

Согласно международным педагогическим опытам, особое значение в объективной и правдивой оценки профессионального формирования, имеет адаптация будущих инженеров-педагогов к условиям учебного процесса. Это, во-первых, охватывает важные социальные изменения и обновления в обществе, реформы системы образования, во-вторых, создает основу для подготовки конкурентноспособных специалистов, отвечающих требованиям времени, благодаря повышению эффективности и содержания образования на основе развития организационно-педагогических условий, а также адаптации студентов вузов к учебно- воспитательному процессу. С этой точки зрения, считается актуальным совершенствование, на основе современных подходов организационно-педагогических условий адаптации студентов к учебному процессу.

В процессе быстрого развития науки, техники и технологии в стране, последовательно вносятся изменения и в содержание образования. В частности, в Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан определены такие приоритетные задачи, как “стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективного механизма внедрения научных и инновационных достижений в практику”³, а также, “совершенствование звеньев системы образования и воспитания на основе требований времени”⁴. С этой точки зрения, важное значение имеет достижение эффективных результатов в ходе учебной деятельности, адаптация студентов к учебному процессу и совершенствование существующих педагогических условий и методики для социальной активизации.

Данное исследование диссертации в определенной степени служит решению задач поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему

³ Указ Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан”. Законодательных документов Республики Узбекистан –Т.: Гафур Гулом 2017. – с.70-71.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 24-б.

развитию Республики Узбекистан”, а также в Указе от 25 января 2018 года УП-5313 “О мерах по коренному совершенствованию системы среднего, средне специального и профессионального образования”, в постановлении от 20 апреля 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, в Постановлении ПП -3003 от 24 мая 2017 года “О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки инженерно-технических кадров для отраслей сельского и водного хозяйства” и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республик. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан I. “Духовно-нравственное и культурного развития общества, духовные ценности, национальная идея, культурное наследие, истории узбекского народа и государства а также системности и непрерывности образования, воспитания всесторонне развитого гармоничного поколения”.

